

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021.Т.06.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**ҚУРБОНОВ ОЙБЕК МУХАММАТҚУЛОВИЧ**

**ЭНЕРГИЯ- ВА РЕСУРСТЕЖАМҚОР ТЕХНИК ЕЧИМЛАР  
ИШЛАБ ЧИҚИШ АСОСИДА НАСОС УСКУНАЛАРИНИНГ  
ЭКСПЛУАТАЦИОН САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш);  
04.00.16 – Кончилик машиналари**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Навоий – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
of technical sciences**

**Қурбонов Ойбек Муҳамматқулович**

Энергия- ва ресурстежамкор техник ечимлар ишлаб чиқиш асосида насос  
ускуналарининг эксплуатацион самарадорлигини ошириш.....3

**Қурбонов Ойбек Муҳамматқулович**

Повышение эксплуатационной эффективности насосных установок на  
основе разработки энерго- и ресурсосберегающих технических решений.....21

**Kurbonov Oybek Muhammatkulovich**

Improving the operational efficiency of pumping units through the development  
of energy- and resource-saving technical solutions.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021.Т.06.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**ҚУРБОНОВ ОЙБЕК МУХАММАТҚУЛОВИЧ**

**ЭНЕРГИЯ- ВА РЕСУРСТЕЖАМҚОР ТЕХНИК ЕЧИМЛАР  
ИШЛАБ ЧИҚИШ АСОСИДА НАСОС УСКУНАЛАРИНИНГ  
ЭКСПЛУАТАЦИОН САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш);  
04.00.16 – Кончилик машиналари**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Навоий – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.3.PhD/Т1549 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.ndki.uz](http://www.ndki.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Махмудов Азамат Махмудович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Алиқулов Шухрат Шарофович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Райханова Галия Елеубаевна**  
техника фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ**

Диссертация химояси Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги DSc.17/04.06.2021.Т.06.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил 27 январ соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй. Навоий давлат кончилик институтининг мажлислар зали. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; e-mail: [info@ndki.uz](mailto:info@ndki.uz)).

Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (83 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй, Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.

Диссертация автореферати 2022 йил 14 январ куни тарқатилди.  
(2022 йил 14 январдаги 40 рақамли реестр баённомаси)



**И.Т.Мислибаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

**Ш.Ш. Заиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., профессор

**Н.А. Абдуазизов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда уранни қазиб олишнинг ҳозирги босқичида саноатининг ҳолати иш шароитларининг аста-секин мураккаблашуви ва ресурс базасининг ёмонлашиши, кон-металлургия корхоналарининг активлари таркибида қийин ишланувчи захиралар улушининг ошиши тенденцияси билан тавсифланади. Натижада конларнинг мураккаблашуви шароитида уран-таркибли рудаларни қазиб олиш технологияси самарадорлигини ошириш масалаларини ҳал этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёда уран рудали конларини ўзлаштиришнинг ҳозирги мураккаб босқичида геотехнологик қудуқлардаги қум ва газ таркибини камайтириш масалаларини қўйиш ва ечиш, насос ускуналарининг эксплуатацион самарадорлигини ошириш, насос иш режимларини тартибга солиш даражасини белгилаш, шунингдек, кончилик корхоналарида уларнинг ишлаши учун энергия ва моддий сарф-харажатларни камайтириш учун захираларни топиш ва улардан фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада геотехнологик қудуқларда қум пайдо бўлиши кўпайган шароит учун статистик ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш ва уларнинг ишини экспериментал баҳолаш методикаси такомиллаштириш, энергия ва ресурс тежайдиган техник ечимларни ишлаб чиқиш асосида насос ускуналарининг эксплуатацион самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда кончилик корхоналарида уранли рудаларни қазиб олишда энергия ва моддий сарф-харажатларни камайтириш учун захираларни топиш ва улардан фойдаланиш, уран таркибли руда конларини ер остида танлаб эритмага ўтказиш билан ўзлаштириш ва чўкма насос ускуналарининг ишлаш самарадорлигини ошириш, энергия сарфини камайтириш мақсадида насос ускуналарининг режим параметрларини моделлаштириш, уран рудаси конларида энергия ва ресурс тежайдиган инновацион технологияларни жорий этиш бўйича илғор илмий чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида<sup>1</sup> «ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, принципиал жиҳатдан янги технология турларини ўзлаштириш, энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...» каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, кон қазиш ишлари самарадорлигини ошириш, тайёр маҳсулот таннархини пасайтириш ва йиллик ишлаб чиқариш қувватини оширилишига эришиш вазифаларининг бажаришига қаратилган тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – 103 б.

4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ва 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «Ишлаб чиқаришни структуравий қайта тузиш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш бўйича 2015-2019 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури» тўғрисидаги Фармонлари ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Рудали ва нурда фойдали қазилма конларини физик-кимёвий усуллар билан ўзлаштириш назарияси ва амалиётини ривожланишига Аренс В.Ж., Бондаренко В.А., Каплан Л.С., Истомин В.П., Калабин А.И., Кучерский Н.И., Ласкорин Б.Н., Малухин Н.Г., Мамилов В.А., Маркелов С.В., Мазуркевич А.П., Носиров У.Ф., Небер В.Н., Осмоловский И.С., Раимжанов Б.Р., Санакулов К.С., Саттаров Г.С., Толстов Е.А., Сарачева Д.А., Schechter S.P., Bommer M., Suat Bagci, Murat Kece, Jocsiris Nava ва бошқалар катта ҳисса қўшишган, улар томонидан геотехнологик конларидаги фойдали компонентни самарали ажратиш олишда катта натижаларга эришилган. Бироқ, бугунги кунда Қизилқум геотехнологик ҳудудида ишлайдиган корхоналарда қум ҳодисаларини бартараф этиш, насос қурилмалари билан жиҳозланган технологик қудуқларда тикин ҳосил бўлишини олдини олиш муаммолари тўлиқ ўрганилмаган.

Шу муносабат билан кончилик саноати учун муҳим бўлган ер остида танлаб эритмага ўтказиш технологиясини самарадорлигини ва энергия ва ресурс тежайдиган техник ечимларни ишлаб чиқиш асосида насос ускуналарининг эксплуатацион самарадорлигини ошириш зарурияти юзага келади ва бу йўналишда кейинги тадқиқотларни давом эттириш лозим.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилик институти илмий-тадқиқот режасининг №БА-А-13-015 «Уранны ер остида танлаб эритмага ўтказишда маҳаллий эритмалардан фойдаланиб технологик режимни ишлаб чиқиш»; «Суст ўтказувчи водород уран рудаларининг қазиб олиш технологиясини яратиш» ва «Сувга кам тўйинган водород уран конларини қазиб олиш технологиясини яратиш» мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** насос ускуналарининг эксплуатацион самарадорлигини оширишда иш тартибини бошқариш ва қум ҳодисаларининг асосий насос элементларига салбий таъсирини камайтириш усулини ишлаб

чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

уран таркибли руда конларини ер остида танлаб эритмага ўтказиш билан ўзлаштириш ва чўкма насос ускуналарининг ишлаш самарадорлигини ошириш соҳасидаги илмий ишлар натижаларини таҳлил қилиш;

Қизилқум минтақасидаги уран таркибли руда конларини ўзлаштириш учун кон-технологик шарт-шароитларни ўрганиш, қазиб олиш мураккабликлари ва геотехнологик қудуқларда қум пайдо бўлиш сабабларини ўрганиш;

қудуқларда қум пайдо бўлиши шароитида насос ускуналарининг иш режимини тартибга солиш усулларининг тартиб олинаётган эритмалар хоссалари билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш;

эксплуатация шароитида энергия сарфини камайтириш мақсадида насос ускуналарининг режим параметрларини моделлаштириш;

насос ускуналарининг асосий элементларига қум ҳодисаларининг зарарли таъсирини камайтиришга қўмаклашувчи техник ечимларни ишлаб чиқиш;

ўрнатиш ва ечиб олиш ишларига сарфланадиган вақтни қисқартирадиган техник ечимларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида марказдан қочма чўкма насос ускунаси билан жиҳозланган геотехнологик қудуқ олинган.

**Тадқиқот предмети**ни марказдан қочма чўкма насос агрегатларида энергия ва ресурс тежамкорлигини таъминловчи иш режимини тартибга солиш усуллари ва техник ечимлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация иши давомида тадқиқотларнинг комплекс ёндашуви қабул қилинди: полигон ва саноат шароитларида назарий, хронометраж ва экспериментал тадқиқотлар; тизимни таҳлил қилиш усуллари; физик ва математик моделлаштириш; ўхшашлик назарияси, кўп сонлар назарияси, машина ва механизмларнинг ишончлилиги назариясидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

эритма сўриб олинadиган қудуқлардаги аралашмада қумланиш ҳодисасининг пайдо бўлишининг қудуқ ва қатлам тоғ жинсларининг майдон деформацион барқарорлигига боғлиқлик қонунияти ўрнатилган бўлиб, у эса дефект бўйича алоҳида участкаларга бўлинишини ва статистик усуллар ва эҳтимоллар назарияси билан аниқланадиган қаттиқ жисмлар мустақамлиги статик назариясининг энг заиф қисми Вейбулл тарқалиши қонунияти билан аниқланиши ишлаб чиқилган;

технологик қудуқлар ҳолатини ва насос ускуналарининг иш бажариш қобилиятини баҳолаш мезонлари, ҳамда насос агрегатининг иш режими модели маҳсулдор эритмадаги қумнинг миқдори ва унинг хусусиятларига боғлиқ эканлиги аниқланган;

насос ускуналарининг асосий элементларига қумланишнинг зарарли таъсирини камайтириш учун техник ечим ишлаб чиқилган, шунингдек насос агрегатларининг эксплуатацияси жараёнида энергия сарфларини камайтиришни таъминлайдиган, унга қум кириш жараёнинин бошқариш ҳисобига насос агрегатининг оптимал иш режими асосланган;

насос ускуналарини ўрнатиш ва ечиб олиш ишларига сарфланадиган вақтни қисқартиришни ва мувофиқ равишда меҳнат ва моддий харажатларни камайтириш ҳисобига ресурс тежамкорликни таъминлайдиган техник ечим ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

эритма сўриб олинадиган қудуқларда қум ҳодисалари юзага келиши жараёнида насос ускуналарининг оптимал иш параметрларини аниқлаш услубиёти ишлаб чиқилган;

насос ускуналари самарадорлигини ошириш учун чўкма насос билан жиҳозланган геотехнологик қудуқларда қум ва газ чиқишига қарши кураш усули ва қурилмаси ишлаб чиқилган;

насос қурилмасининг, унинг ишида ресурс тежаш имконини берувчи, қудуқ узунлиги бўйлаб аниқ ўрнатишни механизациялашнинг техник ечими учун насос ўрнатилишининг чуқурлигини ўлчаш учун қурилма ишлаб чиқилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** шундан иборатки, диссертация ишида кўриб чиқилган илмий янгиликлар ва хулосалар илгари бажарилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижалари билан келишувчанлиги билан тасдиқланган. Тажриба натижаларининг ишончлилиги замонавий воситалар ва стандарт ўлчаш методлари ҳамда материалларга статистик ишлов бериш усуллари ёрдамида ўлчашлар орқали таъминланган. Ишда олинган тажриба ва экспериментал натижаларнинг ишончлилиги ижобий натижалар билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти насос ускуналарининг ишлаш қобилиятини аниқлашга имкон берадиган махсус модуллар ёрдамида уларнинг элементларининг техник ҳолатини тадқиқ этиш ва маҳсулдор ҳайдаладиган эритмаларнинг юқори даражадаги қумоқлиги, машиналар ресурсининг қолдиқ баҳоланиши, ер остида танлаб эритмага ўтказиш технологиясида насос ускуналари эксплуатацияси самарадорлигини ошириш бўйича бошқарув қарорларининг қабул қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти насос қурилмасининг оптимал иш параметрларини танлаш бўйича техник ечимлар ишлаб чиқиш ва қўллаш, насосларнинг қолдиқ муддати қийматини аниқлаш ва тахмин қилиш, юқори қумланиш шароитида ускуналарнинг ишдан чиқиши ва уларнинг максимал иш вақтини ошириш учун усул ва қурилма ишлаб чиқиш ва қудуқнинг узунлиги бўйлаб насос қурилмасини аниқ ўрнатиш чуқурлигини ўлчашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Насос ускуналарини ишлатиш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ботирилган насос билан жиҳозланган геотехнологик скважиналарда газланиш ва қумланишга қарши усул ва қурилмага Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтиро патенти олинган (№IAP 06089, 2019 й.). Натижада, қумланиш ва газланишга қарши қурилма насос ускуналарининг асосий элементларининг эскиришини камайтириш ва уларни



таъмирлашдан олдинги иш муддатини, ва мувофиқ равишда чўкма насоснинг фойдаланиш коэффициенти ва ишончилигини ошириш имконини берган;

чўкма насосларнинг ўрнатилган чуқурлигини ўлчовчи қурилмага Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан фойдали моделга патент олинган (№FAP 01574, 2020 й.). Натижада, чўкма насосларни ўрнатиш чуқурлигини ўлчаш учун қурилмадан фойдаланиш, насос қурилмасини ўрнатиш чуқурлигини ўлчашнинг аниқлигини ошириш ва қудук операцияларини бажаришда насос ишини бошқариш имконини берган;

геотехнологик қудуқларда қумланиш ва газланишга қарши қурилмаси Навоий кон-металлургия комбинати Жанубий кон бошқармасида амалиётга жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2021 йил 2 августдаги 02-06-07/7723-сон маълумотномаси). Натижада, чўкма насос ускунасининг эксплуатацион самарадорлигини 5-7%га ошириш имконини берган;

чўкма насосларни ўрнатиш чуқурлигини ўлчаш учун қурилма Навоий кон-металлургия комбинати Жанубий кон бошқармасида амалиётга жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2021 йил 2 августдаги 02-06-07/7723-сон маълумотномаси). Натижада, чўкма насос ускунасини ўрнатиш ва ечиб олишдаги тайёргарлик ишлари учун вақт ва меҳнат сарфини амалдаги усулга қараганда камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг натижалари 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иши чоп этилган, шулардан, 1 та Ўзбекистон Республикаси ихтиро учун патенти, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Марказдан қочирма насос ускуналарининг ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар ва кон корхоналари фаолияти тажриба натижаларини таҳлил қилиш**» деб номланган биринчи

бобида уран таркибли руда конларини ер остида танлаб эритмага ўтказиш ва чўкма насос ускуналарининг ишлаш самарадорлигини ошириш соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

Қизилқум минтақасидаги уран таркибли руда конлари экзоген-эпигенетик рудалар ҳосил бўлиш турига мансуб бўлиб, морфологик тузилишнинг мураккаблигига, геохимёвий тўсиқнинг маълум кетма-кетлигида рудалар ҳосил бўлиш тамойилига кўра синфлар белгиланган.

Маҳсулдор қатламнинг геологик ва гидродинамик параметрларини аниқлашнинг тизимлаштирилган, умумлаштирилган схемаси уран таркибли рудаларни ер остида танлаб эритмага ўтказиш (ЕОТЭЎ) технологиясини танлаш ва «Учқудуқ туридаги» руда конларини геологик ва морфологик турларини ажратиш, ЕОТЭЎ технологияси ва усулларини танлаш имконини беради.

Қум пайдо бўлишини олдиндан башоратлаш ва унга қарши кураш усулларини ишлаб чиқиш вазифасини ҳал қилиш учун уларнинг келиб чиқиш сабабларини ва ривожланиш механизмларини «келиб чиқиш-пайдо бўлиш – ривожланиш» ҳаётий циклининг босқичлари бўйича ўрганиш тизими қабул қилинди.

Тадқиқотларда технологик қудуқларнинг қазилма қовлаб олинадиган қисмида маҳсулдор эритманинг асосий қисми филтрланадиган ёриқлар чизиғи бўйлаб сув ўтказувчи каналлар ҳосил бўлиши ва бунинг натижасида қумтошларнинг емирилиши селектив характерга эга эканлиги аниқланди.

Уран таркибли рудаларнинг мураккаб шароитларда ЕОТЭЎ да қазиб олиш учун техника ва технологияларни ишлаб чиқиш бўйича илмий ишларнинг таҳлили қудуқ емирилиши ва қум ҳосил бўлиши сабабларини учта асосий гуруҳга ажратишга имкон беради: геологик (жойланиш хусусиятлари қатлам-қудуқ, литология), технологик (қатламларни очиш ва қудуқларни ишлатиш шартлари) ва техник (қазилма қовлаб олинадиган қисми конструкцияси).


Асоратларнинг таъсир даражасини бундан буён баҳолаш учун биз томонимиздан Қизилқум минтақасининг уран таркибли рудаларини қазиб самарадорлигининг асосий омили сифатида қум ҳосил бўлишининг сабаблари ва оқибатларини тизимлаштирилди, бу 1-расмда акс эттирилди.

«Учқудуқ тури» уран таркибли руда конларида қазиб олиш технологияси радиоактив элемент ва унга алоқадор фойдали қазилмаларнинг горизонтлардаги концентрациясини, литологик таркибини ва маҳсулдор горизонтлардаги жинсларнинг филтрация хусусиятларидаги фарқни аниқлашга асосланган бўлиб, қазиб жараёни экзоген-эпигенетик руда ҳосил бўлишининг тескари цикли бўйича амалга оширилади.


Тадқиқотлар натижасида ЕОТЭЎ конларида марказдан қочма насослардан фойдалишда ҳосил бўладиган мураккаблашувлар тури ва механик аралашмалар ҳажмлари бўйича тақсимланиши аниқланди, бу 2-расмда акс эттирилган.

2а-расмда илмий манбаларда келтирилган маълумотлар ва НКМК конлари қудуқларини механик аралашмаларнинг насос ускунасининг ишлашига таъсири бўйича тажрибанинг таҳлили натижалари келтирилган бўлиб, бу иш асосан 100 мг/л дан ортиқ маҳсулдор эритмаларда қум таркибли механик аралашмаларни

катта миқдорда ҳосил бўлиши билан мураккаблашади, яъни бу асоратлар умумий ҳажмнинг 74% яқинини ташкил этади.



1-расм. Қўм ҳосил бўлиши сабаблари ва оқибатларининг умумий схемаси



а)

б)

2-расм. ЕОТЭЎ конларида марказдан қочма насослардан фойдалишда ҳосил бўладиган мураккаблашувлар тури (2а) ва механик аралашмаларни ҳажм бўйича тақсимланиши (2б)

Бондаренко В. А. услубиёти бўйича диффракцион таҳлил орқали механик аралашмаларнинг умумий сонидаги зарраларнинг улушини 2б-расмда кўрсатилган зарралар ҳосил бўлиш усули бўйича уларнинг синфларга тақсимланишини аниқлаш мумкин.

Амалда, ЕОТЭЎ конлари насос ускуналарини ишлатишда уларнинг иш режимини тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга: уни қуйидагича бўлиш мумкин: ташиладиган эритма узатиладиган тизим қаршилигини мажбурий ўзгартириш (дросселлаш); машина (насос) ишчи тавсифларини ўзгартириш ва электр юритма бурчак тезлигини тартибга солиш. Шу билан бирга, энг оқилона йўл насос асинхрон двигатель (АД) тезлигини тартибга солишни электр двигатель ФИК ёмонлаштирувчи ротор занжирида қувватнинг катта йўқотишларисиз таъминловчи частотали бошқариладиган насос ускуналарини ишлаш тартибини бошқариш ҳисобланади.

Шундай қилиб, олиб борилган ишлар натижасида уюмларнинг жинси ва қудуқ жинсларининг фазовий деформацияланиш барқарорлигига боғлиқ ҳолда эритма қудуқларида кум намоён бўлишининг сабаблари ва механизми аниқланган.

Диссертациянинг «**Ер остида танлаб эритмага ўтказиш жараёнини, насос ускуналарини ишлаб чиқишда ва ишлаш самарадорлигини оширишда мураккаблашувларни иш тартиби параметрларини бошқариш йўли билан тадқиқ этиш**» деб номланган иккинчи бобида технологик қудуқлар ва насос ускуналари мажмуасини моделлаштириш бўйича назарий тадқиқотлар ва материаллар натижалари келтирилган.

Биз Қизилқум минтақасининг ер остида танлаб эритмага ўтказиш технологиясидаги асосий омиллари ва конларни қазиишдаги асоратларини тизимли ёндашув асосида баҳоладик.

Насоснинг босим хусусиятларини аниқлаш вазифаси билан  $H=f(Q)$  «эритмани сўриб олиш қудуғи - насос ускунаси - қувур тизими» гидродинамик тизимларини математик моделлаштириш учун биз ЕОТЭЎ да гидродинамик тизимнинг математик модели сифатида қабул қилинган айланиш тезлигининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги аналитик боғлиқликни танладик:

$$H_{\text{хак}} = A_i Q_{\text{хак}}^2 + K B_i Q_{\text{хак}} + K^2 C_i, \text{ м}, \quad (1)$$

бу ерда  $A_i$ ,  $B_i$ ,  $C_i$  – энг кичик квадратлар усули билан ҳисобланадиган корреляция коэффицентлари;  $K = \frac{n_{\text{хак}}}{n_{\text{ном}}}$  – айланишлар частотаси ўзгариши коэффицентлари;  $n_{\text{хак}}$  ва  $n_{\text{ном}}$  – ҳақиқий ва номинал айланишлар частотаси, айл/мин.

Айланиш тезлигини тартибга солишда насос унумдорлиги, босими ва ФИК ўзгаради, классик ўхшашликлар назариясига мувофиқ унинг хусусиятларини бошқа айланиш частотасига қайта ҳисоблаш формулалари бўйича бир вақтнинг ўзида қуйидаги иккита шартга риоя қилиш орқали оғиш режимлари бўйича ФИК шартли доимийлигида амалга оширилиши мумкин, яъни:

$$\frac{Q_{\text{ном}}}{Q_{\text{хак}}} = \frac{n_{\text{ном}}}{n_{\text{хак}}} \quad \text{ва} \quad \frac{H_{\text{ном}}}{H_{\text{хак}}} = \left( \frac{n_{\text{ном}}}{n_{\text{хак}}} \right)^2, \quad (2)$$

бу ерда  $Q_{\text{хақ}}$  ва  $Q_{\text{ном}}$  – насос ускунасининг ҳақиқий ва номинал унумдорлиги, м<sup>3</sup>/соат;  $H_{\text{хақ}}$  ва  $H_{\text{ном}}$  насос ускунасининг ҳақиқий ва номинал босими, м.

Насос кириш қисмидаги қум-газ таркибининг қиймати қум ва газнинг унумдорлигини маҳсулдор эритманинг унумдорлигига нисбатан қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$QG = \frac{Q_{\text{кз}}}{Q_{\text{кз}} + Q_c}, \text{ м}^3/\text{кун}, \quad (3)$$

бу ерда  $Q_{\text{кз}}$  – насосга кирадиган қум ва эркин газнинг сарфи, м<sup>3</sup>/кун;  $Q_c$  – насос ускунаси унумдорлиги, м<sup>3</sup>/кун.

Маълумки, қумланиш ва газланишни бартараф этиш насоснинг беқарор ишлаш режимига мос келадиган  $P_1 = P_{\text{нас}}$  шартда содир бўлади, барқарорлик сони қуйидаги формула билан аниқланади:

$$P_1 = \sigma \Delta \rho + P_{\text{нас}}, \text{ Па}, \quad (4)$$

бу ерда  $\sigma$  – насос ускунасининг барқарорлик сони, Па;  $\Delta \rho$  – кўпбосқичли насоснинг биринчи босқичидаги тезлик босими, Па;  $P_{\text{нас}}$  – насос томонидан ҳосил қилинган босим, Па.

Биз танлаган технологик занжир учун: қудуқ, маъдан кони, насосли қудуқ, бошқарув мезони ҳайдайдиган ва тортиб чиқарадиган қудуқлар маъдан конида босим градиентини акс эттирувчи кўрсаткич сифатида танланди, ва босимнинг ўзгариши Дарси қонунига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади, у эса бу ифода билан ёзилади:

$$\Delta P_{\text{мк}} = R_{\text{рк}} \cdot Q_{\text{рс}} = P_{\text{хк}} - P_{\text{ск}}, \text{ Па}, \quad (5)$$

бунда  $R_{\text{рк}}$  – руда кони гидравлик қаршилиги;  $Q_{\text{рс}}$  – реагент сарфи, м<sup>3</sup>/соат;  $P_{\text{хк}}$  – эритувчи суюқлик ҳайдаладиган қудуқдаги босим, Па;  $P_{\text{ск}}$  – фойдали аралашма сўриб олинадиган қудуқдаги босим, Па.

Қудуқдаги сатҳ ва танлаб эритмага ўтказувчи эритмалар ва оқими ўзаро боғлиқлигининг асосий тенгламаси технологик қудуқнинг математик модели бўлиб, уни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$W \frac{dH_{\text{хк}}}{dt} = Q_{\text{хк}} - Q_{\text{эс}}, \text{ м}^3/\text{соат}, \quad (6)$$

бунда  $H_{\text{хк}}$  – эритувчи суюқлик ҳайдаладиган қудуқ сатҳ баландлиги, м;  $W$  – эритувчи суюқлик ҳайдаладиган қудуқ ҳажми, м<sup>3</sup>;  $Q_{\text{хк}}$  – эритувчи суюқлик ҳайдаладиган қудуқдаги эритманинг сарфи, м<sup>3</sup>/соат;  $Q_{\text{эс}}$  – мадан конига эритувчи суюқлик ҳайдаладиган қудуқдан келувчи танлаб эритмага ўтказувчи эритманинг сарфи, м<sup>3</sup>/соат.


Чўкма насос иш режимининг математик модели насос томонидан яратилган сарф-босим характеристикасига асосланган ва қуйидаги шаклдаги учинчи тартибли полином билан ёзилади:

$$\Delta P_n = a_0 + a_1 Q_{\text{ск}} + a_2 Q_{\text{ск}}^2 + a_3 Q_{\text{ск}}^3, \text{ МПа}, \quad (7)$$

бу ерда  $P_n$  – насос томонидан ҳосил қилинган босим, МПа;  $Q_{\text{ск}}$  – эритма сўриб олинадиган қудуқдаги суюқлик сарфи, м<sup>3</sup>/соат;  $a_0, a_1, a_2, a_3$  – тахминий, яқинлаштирилган коэффициентлар, полином.

Юқорида келтирилган моделларга асосланиб, биз томонимиздан марказдан қочма насос ускунасининг босим тавсифномаси, динамик насослар (СГУ-ДН-5ЛР) гидравлик қурилмаларининг мажмуавий тажриба стендида ўрганилинди. Тадқиқот натижалари 3-расмда келтирилган.


Шундай қилиб, насос қурилмасининг энергия самарадорлигини оширишнинг оптимал усулларидан бири қурилманинг ишчи режимини юритмада қувватни ўзгартирмасдан тартибга солиш, шунингдек уларда қум пайдо бўлиши ва газ таркибини камайтиришга қаратилган техник ечимларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳисобланади.



**3-расм.**  
Марказдан қочма насос юритмасининг турли қувватларида босим (Н) ўзгаришининг унинг унумдорлигига (Q) боғлиқлиги

Диссертациянинг «ЕОТЭЎ технологиясининг мураккаблашган шароитларда насос ускуналарининг самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш услубиётини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида ЕОТЭЎ усули билан уран қазиб олишни бошқариш бўйича ишлаб чиқилган тадқиқот усуллари ва натижаларини, шунингдек насос ускуналарининг иш режимини амалга ошириш тамойиллари берилган.

Биз томонимиздан ер остида урани танлаб эритишнинг технологик жараёнини мақбул бошқариш даражали тизими учун геотехнология параметрларини аниқлаш услубиёти ва ЕОТЭЎ жараёнининг умумий функционал технологик схемаси «қудуқ – маъдан кон – насос қудуғи» ишлаб чиқилди (4-расм), у эса эритманинг максимал маҳсулдорлигини таъминлайдиган ечимни қидиришга ёрдам беради.



**4-расм.** ЕОТЭЎ жараёнининг умумлашган функционал технологик схемаси

Идентификациялаш масаласида эритувчи суюқлик ҳайдаладиган қудуқдаги газ-қаттиқ заррачаларга эга бўлган суюқликда ажратадиган

эритманинг ўзаро таъсири кўриб чиқилади, асосий ўзгарувчан сифатида эритувчи аралашманинг сатҳ баландлиги олинади ва эритма сўриб олинadиган кудукдаги технологик ўзгарувчи эса чўкма насос томонидан яратилган босимнинг ўзгариши ҳисобланади.


Қум ҳодисаларида кудук насосининг сарф-босими хусусиятларининг ўзгаришини аниқлаш учун насос босимининг ўзгаришининг математик ифодаси бўлган формуладан фойдаланилди:

$$\Delta P = \rho_{сқа} g H_n, \text{ МПа}, \quad (8)$$

бунда  $\rho_{сқа}$  – кудукдаги суюқ-қаттиқ аралашманинг зичлиги,  $\text{кг/м}^3$  ( $\rho_{сқа} = 1450 \text{ кг/м}^3$ );  $g$  – эркин тушиш тезланиши ( $g=9,81 \text{ м/с}^2$ );  $H_n$  – чўкма насоснинг босими, м (паспорт бўйича).

Эритувчи суюқлик ҳайдаладиган ва эритма сўриб олинadиган кудукларнинг тавсифномаларидаги фарқларга асосланиб маъдан конидаги босим ўзгаришини аниқлаш мумкин, у маҳсулдор аралашманинг қум билан қўшилган ҳолда эритма сўриб олинadиган кудук томон ҳаракатининг асосий хусусияти саналади.

ЕОТЭЎ параметрларини тадқиқот қилишнинг функционал тизими ва ЕОТЭЎ комплексининг математик моделига асосан EXCEL дастурий таъминотида қуввати 7,5 кВт бўлган насос параметрларини ҳисоблаш учун юқорида кўрилган аналитик боғлиқликлар олинди ва насос ускунасининг босим ўзгариши  $\Delta P$  қурилди (5-расм).



**5-расм. Эритма сўриб олинadиган кудуклардаги босим ўзгариши ( $\Delta P$ )**

Натижада кудук насосининг ва эритма сўриб олинadиган кудуклардаги босим ўзгариши аниқланди ва қумланишдаги математик модель тахминий, яқинлаштирилган коэффициентлари аниқланди:  $a_0=1,21227$ ;  $a_1=0,00843$ ;  $a_3=0,00702$ ;  $a_4=0,00004$ .

Кўриб чиқилаётган технологик схема учун ҳисоб-китоблар EXCEL дастурий таъминотида амалга оширилди ва рудали жисмдаги босим ўзгаришининг эритма сарфи ва таркибига боғлиқлиги аниқланди. Биз иккита қарама-қарши хулосага келдик: эритувчи суюқлик ҳайдаладиган кудукларда босим ортиши скважина унумдорлигини орттиради, аммо аралашма таркибида уран миқдори камаяди, босимнинг пасайиши билан эса кудукларнинг унумдорлиги мутаносиб равишда камаяди, маҳсулдор эритмада уран концентрацияси ошади, лекин эритманинг филтрлаш тезлиги пасаяди ва шунинг натижасида урanni танлаб эритиш жараёнининг тезлиги пасаяди.


Шундай қилиб, «кудук – маъданли кон – насос кудуғи» иш режимини



бошқаришнинг даражавий тизимига кўра, маъданли танада босим градиентлари бўйича ва эритма сўриб олинadиган кудуқларда уран концентрацияси максимал даражаси билан амалга оширилади ва ер остида танлаб эритмага ўтказиш жараёнининг сифатини таҳлил қилиш асосида реагентларга юкламаларни тақсимлаш ва маҳсулдор эритмалар олиш, насосларнинг ностандарт режимларидан фойдаланиш, шунингдек ер остида танлаб эритмага ўтказиш жараёнининг самарадорлигини ошириш бўйича қарорлар қабул қилинади.

Диссертациянинг «Насос ускуналарининг эксплуатацион самарадорлигини ошириш учун энергия-ресурс тежайдиган техник ечимларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва техник-иқтисодий асослаш» деб номланган тўртинчи бобида тажриба ишлари услубиёти ва ЕОТЭЎ конлари технологик жиҳозларининг эксплуатацион кўрсаткичларини яхшилаш учун ишлаб чиқилган техник ечимларни қўллаш натижалари келтирилган.

«Марказдан қочма насослар» (СГУ-ЦНС-012-6ЛР-ПК) янгиланган лаборатория стендининг фарқи шундаки, у қўшимча равишда сув учун биринчи бак (1), сув учун иккинчи бак (2), чўкма насос («Chimp» фирмаси QDX3-20-0.55(Y) маркали) (3), тескари клапан (4), чўкма насос фильтри (5), босим датчиги (6), сарф ўлчагичи (7) ва дросселлар (8) билан жиҳозланган, улар 6 - расмда акс этирилган.





**6-расм. Модернизация қилинган лаборатория стендининг схемаси, тажриба ускунасининг гидрокинематик схемаси ва «Марказдан қочма насослар» СГУ-ЦНС-012-6ЛР-ПК - насос модели**

Дросселлаш ва частотали тартибга солишда кувват истеъмоли қиймати тадқиқотлари натижалари 1-жадвалда умумлаштирилди ва 7- расмда акс этирилди.

Чўкма насос ускунаси иш режими дастурий бошқариладиган юритманинг айланиш частотаси ўзгаришида ишлаб чиқилган техник ечимлардан фойдаланилганда қуйидагиларга эришилади: дросселли бошқариш билан солиштирганда йил давомида 67 % атрофида электр энергиясини тежаш, шунингдек ускунадан фойдаланиш коэффицентининг ошиши, тасодифий тўхташлар эҳтимолининг камайиши ва бу билан меҳнат хавфсизлигининг ошишига эришилади.

Кон қазиш саноати билан боғлиқ усул ва қурилма ишлаб чиқилди ва улардан кудуқларда пайдо бўладиган қум ва газланишга қарши курашиш учун гидравлик кудуқларда фойдаланиш мумкин.





а)

б)


**7-расм. Дросселлаш ва ДЭХМ ёрдамида частотали тартибга солишда қувват истеъмоли қийматининг солиштирма графиги**

1-жадвал


Частотали ўзгартиргич билан режимни бошқариш бўйича тадқиқотлар натижалари

Краннинг очиклик ҳолати	$P_n$ , кПа	$Q_n$ , л/мин.	$N_{эд}$ , Вт
0%	95	15	123
50%	94	17	127
100%	84	31	149

Қурилма икки шаклдаги чизмалар билан тушунтирилади, 8а-расмда чўкма электронасос ускуналари билан жихозланган геотехнологик скважинада қумланиш ва газланишга қарши қурилма кўрсатилган, 8б-расмда ушбу ускунада берилган усул қўлланилган схема кўрсатилган.



а)



б)


1 – аралашма сўриб олинadиган қудуқ; 2 – мустаҳкамловчи қувури; 3 – насос; 4 – насос двигатели; 5 – эритмани кўтариш қувури; 6 – маҳсулдор қатлам; 7 – бир томони ёпиқ қувур; 8 – оқимни йўналтирувчи қурилма

**8-расм. Геотехнологик қудуқларда қумланиш ва газланишга қарши усул ва қурилмалар**

8б-расмда қурилма ва қаттиқ зарралари бўлган газ-суюқлик аралашмасини урта оқимга ажратиш нуқталари (нуқта I, нуқта II) схемаси кўрсатилади:



суюқлик ва қаттиқ заррачалар ўз каналларида ҳаракати билан оғирлик кучлари ва гидростатик ҳамда гидродинамик босимлар фарқи комбинацияси туфайли ҳаракат йўналиши 180 ва 145<sup>0</sup>га суюқ аралашма оқимининг йўналиши ўзгариши нуқталари.

Ишлаб чиқилган қурилмаларни синаш бўйича тажриба ишларининг натижалари 9-расмда акс эттирилган.



**9-расм. Қумланишга қарши қурилмани қўллашдан олдин ва кейин насос қурилмасининг ишлаш пайтидаги ҳақиқий қувватнинг унумдорликга боғлиқлиги**

Тадқиқот давомида геометрик ўхшашлик мезонларига мувофиқ қурилманинг физик моделлаштирилиши амалга оширган (10-расм).




1,2 – ҳаракатланувчи ва қўзғалмас роликлар; 3 – қисувчи пружина;  
4 – мустаҳкамлагич; 5 – подшипниклар; 6 – узатгич; 7 – одометр

**10-расм. Чўкма насосларни ўрнатиш чуқурлигини ўлчаш ускунасининг принцинал схемаси ва физик модели**



«Лебедь» қурилмаси ёрдамида насос қудуқларида насос қурилмасини ўрнатиш ва ечиб олиш бўйича тайёргарлик ишларига сарфланган вақтни хронометрик ўрганиш натижалари 11-расмда акс эттирилган.

Ҳисоб китоблар геотехнологик қудуқларда қумланиш ва газланишга қарши қурилмалар оптимал иш режими, усулини аниқлашдаги ва ЕОТЭЎ технологиясида монтаж-демонтаж вақтида чўкма насос ускунасининг чуқурлигини ўлчаш ускуналари техник ечимларини қўллаш билан амалга

оширилди. Ҳисоблаш натижалари қуйидаги графикларда кўрсатилган (12-расм).



**11-расм. Насос қурилмасини ўрнатиш ва ечиб олиш бўйича тайёргарлик ишларига сарфланган вақтни хронометрик ўрганиш натижалари**



а)

б)

**12-расм. Қумланишга қарши техник ечимни (а) жорий этиш ва насос ускунасини ўрнатиш чуқурлигини ўлчаш (б) энергетик кўрсаткичларининг ўзгариши графиклари**

## ХУЛОСА

«Энергия- ва ресурстежамкор техник ечимлар ишлаб чиқиш асосида насос ускуналарининг эксплуатацион самарадорлигини ошириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Учқудук тури уран таркибли руда конларда қазиб олиш технологияси радиоактив элемент ва унга алоқадор фойдали минералларнинг горизонтлардаги концентрациясини, литологик таркибини ва маҳсулдор горизонтлардаги жинсларнинг фильтрация хусусиятларидаги фарқни аниқлашга асосланган бўлиб, қазиб жараёни экзоген-эпигенетик руда ҳосил бўлишининг тесқари цикли бўйича амалга оширилади.

2. Вейбул статистик назариясининг энг заиф қисм концепцияси билан белгиланадиган, кон жинси ва қудук фазовий деформацион барқарорлигига боғлиқ ҳолда тадқиқотнинг тизимли ёндашуви билан суюқлик тортиб

чиқариладиган қудуқларда қум пайдо бўлиши сабаблари аниқланади.

3. Энергия тежаш вазифасини ҳал қилиш насос ускунасининг иш режимини тартибга солишнинг учта усулига боғлиқ: суёқлик узатиладиган линиянинг қаршилигини мажбурий ўзгартириш, ишчи машинанинг хусусиятларини ўзгартириш ва электр юритманинг бурчак тезлигини тартибга солиш билан амалга оширилади.

4. «Қудуқ- маъданли кон –насос қудуғи» тизими бўйича ЕОТЭЎ технологик қудуқларининг аналитик боғлиқликлари ва умумлашган тизими моделлари ишлаб чиқилган, иккита қарама-қарши ҳулосага келинган: эритувчи суёқлик ҳайдаладиган қудуқларда босим ортиши скважина унумдорлигини ортиради, аммо аралашма таркибида уран миқдори камаяди, босимнинг пасайиши билан эса қудуқларнинг унумдорлиги мутаносиб равишда камаяди, маҳсулдор эритмада уран концентрацияси ошади, лекин эритманинг филтрлаш тезлиги пасаяди ва шунинг натижасида уранни танлаб эритиш жараёнининг тезлиги пасайишига олиб келади.

5. Технологик эритма сўриб олинadиган қудуқи учун тадқиқот услубиёти ишлаб чиқилган, қудуқ насосининг ва эритма сўриб олинadиган қудуқ сарф-босим тавсифномаси тенглаштирилган, бу эса полиномнинг коэффицентларини аниқ аниқлаш учун учинчи даражали полином билан тарифланган ( $a_0, a_1, a_2, a_3$ ) насосни тавсифлаш учун EXCEL дастури ишлатилган ва қуйидаги натижалар олинган ( $a_0=1,21227; a_1=0,00843; a_3=0,00702; a_4=0,00004$ ).

6. Чўкма насос ускунаси иш режими дастурий бошқариладиган юритманинг айланиш частотаси ўзгаришида ишлаб чиқилган техник ечимлардан фойдаланилганда қуйидагиларга эришилади: дросселли бошқариш билан солиштирганда йил давомида 67% атрофида электр энергиясини тежашга эришилади.

7. Чўкма насос билан жиҳозланган геотехнологик қудуқларда қумланиш ва газланишга қарши курашиш учун ишлаб чиқилган усул ва қурилмани жорий этиш насос ускунасининг оптимал хизмат муддатига эришиш имконини беради (7850-8000 машина соатигача), шунингдек ускунани ишлатиш коэффицентини 28-30% га ошириш ва насосларнинг энергия сарфини мавжуд бўлганларга нисбатан 5-7% га камайтириш имконини беради.

8. Чўкма насос ўрнатиш чуқурлигини ўлчаш учун қурилма жорий этиш чўкма насос ускунасини талаб қилинаётган қудуқ чуқурлиги қийматида аниқ ўрнатилишига, чўкма насос ускунасини ўрнатиш ёки ечиб олиш ишларига, тайёргарлик ишлари давомида вақт ва меҳнат харажатларини камайтиришга ва йилига 57% дан ортиқ электр энергиясини тежашга ёрдам беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 17/04.06.2021. Т.06.02 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАВОЙСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ГОРНОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ**

**КУРБОНОВ ОЙБЕК МУХАММАТКУЛОВИЧ**

**ПОВЫШЕНИЕ ЭКСПЛУАТАЦИОННОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ  
НАСОСНЫХ УСТАНОВОК НА ОСНОВЕ РАЗРАБОТКИ ЭНЕРГО-  
И РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩИХ ТЕХНИЧЕСКИХ РЕШЕНИЙ**

**04.00.10 – Геотехнология (открытая, подземная и строительная);  
04.00.16 – Горные машины**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Навои – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрировано в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.3.PhD/T1549.**

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен в веб-странице научного совета ([www.ndki.uz](http://www.ndki.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Махмудов Азамат Махмудович**  
кандидат технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** **Аликулов Шухрат Шарофович**  
доктор технических наук, доцент

**Райханова Галия Елеубаевна**  
кандидат технических наук

**Ведущая организация:** **АО «Алмалыкский горно-металлургический комбинат»**

Защита диссертации состоится 27 января 2022 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.17/04.06.2021.T.06.02. (Адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуда Таробий, 72. Зал заседаний Навоийского государственного горного института. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; e-mail: [info@ndki.uz](mailto:info@ndki.uz), [nsmi@gmail.com](mailto:nsmi@gmail.com)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горного института (зарегистрирован за №83). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуда Таробий, 72. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.

Автореферат диссертации разослан 14 января 2022 г.

(реестр протокола рассылки №40 от 14 января 2022 г.).



**И.Т. Мислибаев**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**М.Ш. Заиров**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**Н.А. Абдуазизов**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире при современном этапе состояние уранодобывающей промышленности характеризуется тенденцией постепенного осложнения условий эксплуатации, увеличения доли труднорабатываемых запасов в структуре активов горно-металлургических предприятий и ухудшения состояния ресурсной базы. В результате важное значение приобретает решение вопросов повышения эффективности технологии добычи ураносодержащих руд в условиях осложнения месторождений.

В мире на сегодняшний день при осложнённом этапе разработки месторождений ураносодержащих руд в горных предприятиях ведутся научные исследования, постановка и решение задач по снижению пескопроявлений и газоносности геотехнологических скважин, повышению эксплуатационной эффективности насосных установок, установлению уровня регулирования режимом работы насосов, а также изысканию и использованию резервов снижения энергетических и материальных затрат на их эксплуатацию. В связи с этим, уделяется особое внимание разработке методики сбора и обработке статистической информации и экспериментальной оценки работы для условий с повышенным пескопроявлением в геотехнологических скважинах, а также повышению эксплуатационной эффективности насосных установок путем разработки энерго- и ресурсосберегающих технических решений.

В Республике выполняется ряд научно-практических работ по обнаружению и использованию запасов для снижения затрат на энергию и материалы при добыче урана, освоению месторождений ураносодержащих руд способом подземного выщелачивания (ПВ) и повышению эффективности эксплуатации погружных насосных установок, моделированию режимных параметров насосных установок с целью снижения энергетических затрат в условиях эксплуатации, внедрению инновационных энерго- и ресурсосберегающих технологий на месторождениях урановых руд. В Указе Президента Республики Узбекистан<sup>1</sup> определены важные задачи по «дальнейшему развитию и либерализации экономики, созданию дополнительных условий для привлечения инвестиций в модернизацию производства, повышению конкурентоспособности крупных предприятий горно-металлургической отрасли». Это обстоятельство требует выполнять задачи по повышению эффективности горных работ, уменьшению себестоимости готовой продукции и достижению увеличения годовой производственной мощности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлении Президента

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Сборник правовых документов Республики Узбекистан. – Т., 2017. – 103 с.

Республики Узбекистан № ПП-4124 от 17 января 2019 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургической отрасли», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики: VII. «Науки о земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

**Степень изученности проблемы.** Большой вклад в развитие основ, теории и практики разработки месторождений полезных ископаемых физико-химическими методами внесли Аренс В.Ж., Бондаренко В.А., Каплан Л.С., Истомин В.П., Калабин А.И., Кучерский Н.И., Ласкорин Б. Н., Малухин Н.Г., Мамилов В.А., Маркелов С.В., Мазуркевич А.П., Насиров У.Ф., Небер В.Н., Осмоловский И.С., Раимжанов Б.Р., Санакулов К.С., Саттаров Г.С., Толстов Е.А., Сарачева Д.А., Schechter S.P., Bommer M., Suat Bagci, Murat Kece, Jocsiris Nava и др. Ими получены значительные результаты по повышению эффективности извлечения полезных компонентов в геотехнологических рудниках, однако на сегодняшний день не до конца изучены предотвращение пескопроявлений и появление пробок в технологических скважинах, оборудованных погружными насосами в Кызылкумском регионе.

